

## ХП. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятнинг доимий аҳолисининг сони 1 382,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 29,7 минг кишига ёки 102,2 фоизга кўпайди. Шундан, 647,9 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,9 фоизи) ва 734,2 минг киши – қишлоқ жойларида (53,1 фоизи) истиқомат қилади.

### Жиззах вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда			Доимий аҳоли сонининг вилоятда улуши, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ

<b>Жиззах</b>									
<b>вилояти</b>	<b>1 382,1</b>	<b>647,9</b>	<b>734,2</b>	<b>102,2</b>	<b>102,1</b>	<b>102,3</b>	<b>100,0</b>	<b>46,9</b>	<b>53,1</b>

шаҳар:


Жиззах	177,7	177,7	0,0	101,9	101,9	0,0	12,9	27,4	x
--------	-------	-------	-----	-------	-------	-----	------	------	---

туманлар:

Арносай	45,8	15,7	30,1	101,3	101,3	101,3	3,3	2,4	4,1
Бахмал	155,8	42,1	113,7	102,2	102,2	102,2	11,3	6,5	15,5
Ғаллаорол	171,4	60,5	110,9	102,2	102,0	102,3	12,4	9,3	15,1
Шароф Рашидов	220,3	87,8	132,5	102,9	102,6	103,2	15,9	13,6	18,0
Дўстлик	65,4	27,8	37,6	100,3	101,8	101,6	4,7	4,3	5,1
Зомин	163,6	77,7	85,9	102,3	102,4	102,3	11,8	12,0	11,7
Зарбдор	85,9	47,8	38,1	102,6	102,6	102,7	6,2	7,4	2,8
Зафаробод	49,8	22,7	27,1	101,8	101,3	102,3	3,6	3,5	3,7
Мирзачўл	51,6	28,7	22,9	102,4	102,5	102,2	3,7	4,4	3,1
Пахтакор	74,3	36,3	38,0	101,9	101,7	102,2	5,4	5,6	5,2
Фориш	92,4	17,1	75,3	101,7	101,8	101,6	6,7	2,6	10,3
Янгиобод	28,1	5,9	22,2	101,8	101,7	101,8	2,0	0,9	3,0

## Вилоят доимий аҳолиси сони таркибида ҳудудлар улуши, фоизда

(2020 йил 1 январь ҳолатига)



## Январь-декабр ойларида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари

Кўрсаткичлар	Киши сони		1000 аҳолига нисбатан	
	2018 йил	2019 йил	2018 йил	2019 йил
Туғилганлар	33 801	36 453	25,2	26,7
Ўлганлар	5 595	5 536	4,2	4,0
<i>шу жумладан:</i>				
бир ёшгача болалар	328	414	10,2	11,8
Никоҳлар, мингта	13 967	13 830	10,4	10,1
Ажралишлар, мингта	1 098	1 079	0,8	0,8

**Туғилиш.** 2019 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 36 453 кишини ташкил этди ва 2018 йилнинг шу даврига (33 801 киши) нисбатан 2 652 кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 26,7 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффицентининг сезиларли кўпайиши Бахмал (29,5 промилледан 30,3 промиллегача), Шароф Рашидов (27,6 промилледан 29,0 промиллегача), Зомин (28,0 промилледан 29,3 промиллегача) Ғаллаорол (25,5 промилледан 27,8 промиллегача), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффиценти**  
 2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)




Ўлим. 2019 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 5 536 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (5 595 киши) нисбатан минус 59 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффиценти 4,0 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-декабрда 4,2 промилле бўлган).

Ўлим коэффицентининг сезиларли ўсиши Бахмал (4,3 дан, 4,6 промиллегача), Шароф Рашидов (4,1 дан 4,3 промиллегача), ҳиссасига тўғри келади.


Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Арнасой (3,0 промилле), Зафаробод (3,3 промилле) ва Мирзачул (3,4 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Худудлар кесимида ўлганлар сони ва коэффиценти**  
 2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлганлар умумий сонидан 52,5 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,7 фоизи – ўсма касалликларидан, 8,7 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,7 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,4 фоизи – инфекция ва паразитар касалликларидан, 16,8 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши**  
(жами вафот этганларга нисбатан, % да)




Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрда бир ёшгача 414 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффиценти 11,8 промиллени (2018 йил январь-декабрда 9,8 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Жиззах шаҳри 17,7 (1 000 тирик туғилганга нисбатан), Пахтакор 15,7, Дўстлик 14,4 ва Зомин 12,6, ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 59,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 22,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи – туғма аномалиялардан, 1,7 фоизи – инфекция ва паразитар касалликларидан, 3,4 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 1,2 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2019 йилнинг январь-декабрда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 13 830 та никоҳлар ва 1 079 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 10,1 (2018 йилнинг январь-декабрда 10,4 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 0,8 ни (2018 йилнинг январь-декабрда 0,8 бўлган) ташкил этган.

### 2019 йилнинг январь-декабрь ойида вилоят бўйича тузилган никоҳ коэффиценти



Тузилган никоҳлар сони 2019 йилнинг мос даврига нисбатан айрим ҳудудларда камайиш кузатилган бўлиб ассосан энг юқори камайиш суръати Янгиобод (93,2 %), Арнасой (92,0 %) туманларига тўғри келмоқда.

**Худудларда январь-декабрда тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони**

(кишида)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.

<b>Жиззах вилояти</b>	<b>13 967</b>	<b>13 830</b>	<b>1 098</b>	<b>1 079</b>
-----------------------	---------------	---------------	--------------	--------------

*шаҳар:*

Жиззах	1 631	1 634	202	205
--------	-------	-------	-----	-----

*туманлар:*

Арнасой	424	390	28	31
---------	-----	-----	----	----

Бахмал	1 752	1 630	110	92
--------	-------	-------	-----	----

Ғаллаорол	1 945	1 807	152	138
-----------	-------	-------	-----	-----

Шароф Рашидов	2 147	2 340	142	155
---------------	-------	-------	-----	-----

Дўстлик	624	576	68	37
---------	-----	-----	----	----

Зомин	1 849	1 857	144	124
-------	-------	-------	-----	-----

Зарбдор	839	887	61	63
---------	-----	-----	----	----

Зафаробод	448	481	31	28
-----------	-----	-----	----	----


Мирзачўл	423	415	37	55
----------	-----	-----	----	----

Пахтакор	814	769	47	63
----------	-----	-----	----	----

Фориш	805	796	45	65
-------	-----	-----	----	----

Янгиобод	266	248	31	23
----------	-----	-----	----	----

**Худудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар сони ва коэффиценти**  
(2019 йил январь-декабрь)



Ажримлар сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати Пахтакор (134,0 %), Фориш (144,4 %) ва Мирзачўл (148,6 %) туманларига тўғри келмоқда.

## Январь-декабрда табиий ўсиш сони ва коэффициенти

(кишида)

	Киши сони		1000 аҳолига нисбатан	
	2018 йил	2019 йил	2018 йил	2019 йил

<b>Жиззах вилояти</b>	<b>28 206</b>	<b>30 917</b>	<b>21,1</b>	<b>22,7</b>
-----------------------	---------------	---------------	-------------	-------------

шаҳар:

Жиззах	2 914	3 510	16,8	19,9
--------	-------	-------	------	------

туманлар:

Арнасой	853	896	19,0	19,7
Бахмал	3 796	3 954	25,2	25,7
Ғаллаорол	3 480	3 970	21,0	23,4
Шароф Рашидов	4 947	5 379	23,5	24,7
Дўстлик	1 219	1 284	19,1	19,8
Зомин	3 754	4 085	23,7	25,2
Зарбдор	1 881	2 132	22,7	25,2
Зафаробод	945	973	19,5	19,7
Мирзачўл	801	883	16,1	17,3
Пахтакор	1 432	1 532	19,8	20,8
Фориш	1 688	1 795	18,7	19,6
Янгиобод	496	524	18,1	18,8

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 10 317 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 11 557 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция колдиғи минус 1 240 киши ташкил этган, 2018 йилнинг мос даврида минус 823 киши бўлган.



## Январь-декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.

<b>Жиззах вилояти</b>	<b>11 055</b>	<b>10 317</b>	<b>11 878</b>	<b>11 557</b>	<b>-823</b>	<b>-1 240</b>
-----------------------	---------------	---------------	---------------	---------------	-------------	---------------

*шаҳар:*

Жиззах	1 919	1 933	2 166	2 189	-247	-256
--------	-------	-------	-------	-------	------	------

*туманлар:*

Арнасой	511	330	702	577	-191	-247
Бахмал	671	590	1 229	1 249	-558	-659
Галлаорол	768	650	1 029	928	-261	-278
Шароф Рашидов	2 667	2 503	1 424	1 531	1 243	972
Дўстлик	736	567	838	747	-102	-180
Зомин	550	453	901	818	-351	-365
Зарбдор	662	736	623	654	39	82
Зафаробод	537	382	589	495	-52	-113
Мирзачўл	837	826	522	487	315	339
Пахтакор	587	760	834	882	-247	-122
Фориш	480	402	790	769	-310	-367
Янгиобод	130	185	231	231	-101	-46

Миграция сальдосининг юқори даражаси Бахмал (минус 659 киши), Зомин (минус 365), Галлаорол (минус 278), туманларида қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Шароф Рашидов (плюс 972 киши) ва Мирзачўл (плюс 339 минг киши) туманларида кузатилди.

## ХШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

### 2019 йил январь-декабрь ойларида Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори (дастлабки маълумот)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2019 йил январь-декабрь ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 932,9 минг сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

### Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи (2019 йил январь-декабрь, кишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)


	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм
<b>Жиззах вилояти бўйича – жами</b>	<b>1 932,9</b>
<i>шу жумладан:</i>	
Саноат	2 104,2
Қурилиш	1 981,2
Савдо	2 418,5
Ташиш ва сақлаш	1 505,8
Яшаш ва овқатланиш	974,5
Ахборот ва алоқа	2 022,8
Молиявий ва суғурта фаолияти	4 426,3
Таълим	1 868,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 487,6
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2 763,8
Бошқа фаолият турлари	2 006,3

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят туманлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида **2 467,8** минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан **127,7 %**), Арнасой тумани **1 892,7** минг сўмни (**97,9 %**), Бахмал тумани **1 857,4** минг сўмни (**96,1 %**) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.


**Соҳалар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати**  
(2019 йил январь-декабрь)



**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2019 йил январь-декабрь, минг сўмда)



**Ҳудудларлар бўйича ўртача иш ҳақи миқдорининг вилоятдаги  
ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши**  
(2019 йил январь-декабрь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан,  
% да)



**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2019 йил январь-декабрь ойларида **634,9** минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.